ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

5230100 – Иқтисодиёт таълим йўналишининг

54-15 гурух талабаси Исоқов Фарҳод Неъматжон ўғлининг

“Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-назарий асослари ” (Миллий иқтисодиёти мисолида)

Мавзусида бажарган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Раҳбар: “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси Аллаярова М.Қ.

Гулистон – 2019

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

1 БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ.....7

1.1. Тадбиркорлик фаолиятининг илмий-назарий асослари.....7

1.2. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари, шароитлари ва омиллари.....14

1.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари ва дастаклари.....21

П БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ.....29

2.1. Кичик иқтисодий зоналар тадбиркорликни ривожлантиришни шакли сифатида.....29

2.2. Кичик иқтисодий зоналарлар молиявий қўллаб-қувватлаш механизми.....34

2.3. Ўзбекистонда тадбиркорликни ташкил этишнинг оилавий шакли.....40

Ш БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожланганлик ҳолати таҳлили.....47

3.2. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари.....52

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....63

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....66-69

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида тадбиркорлик эркинлик, халқчиллик, самарадорлик, манфаатдорлик каби муҳим тамойиллар асосида амалга оширилувчи, иқтисодиётни соғлом рақобат орқали ҳаракатга келтирувчи фаолият сифатида тан олинган. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш орқали ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, аҳолини иш билан таъминлаш, миллий даромад ҳажмини кўпайтириш ва миллат фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий ўсишининг қўшимча манбаларини яратишдан иборат асосий мақсад кўзда тутилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши ва ривожланиши замонавий талабларга жавоб бера оладиган, кам маблағ талаб қиладиган ва бозорда ўз улуши учун рақобатлашадиган корхоналар вужудга келади. Бундан ташқари, тадбиркорлик корхоналари иқтисодиётдаги қайта тузилишлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз ечиши, ички бозорни молиявий ресурслар чегаралганган бўлишига қарамай истеъмол моллари билан тўлдиришга қодирлиги билан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашни ташкил қилишда тадбиркорлик тўғрисидаги турли фикрлар ва назарияларни тадқиқ этиш, шунингдек, ушбу назарияларнинг қай йўсинда амал қилишини таҳлил қилиш, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш, бу борада тўпланган билим ва кўникмаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот жараёнларида қўллаш, республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалиётга жорий қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Республикамизда ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш ва модернизациялашга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар

амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтирилди, тадбиркорликка кенг имкониятлар берилди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Ҳар бир оила тадбиркор” ва “Ёшлар келажагимиз” каби дастурлар доирасида 2 триллион сўм маблағ ажратилди, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди.[1]

Шунга қарамай, баъзи ҳолларда тадбиркорликнинг ривожланишида маълум тўсқинликлар ва муаммолар кўзга ташланади. Бу муаммолар, бир томондан, мазкур соҳанининг иқтисодий табиати, ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлса, бошқа томондан, энди тараққий этиб келаётган республикамиз иқтисодиётидаги баъзи бир иқтисодий ва ташкилий муносабатларнинг етарли даражада самарали эмаслиги билан боглиқ.

Шунга кўра, тадбиркорликнинг ҳар томонлама ривожланиши учун уни давлат томонидан мунтазам равишда қўллаб-қувватлаш тақозо этилади. Бироқ, айни пайтда, бу қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари хусусий тадбиркорлик секторида боқимандачилик ва яккаҳукмронлик сингари салбий ҳолатларни келтириб чиқаришига йўл қўймаслик лозим. Бу эса хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини таҳлил қилиш ва шу асосда унинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. **Т**адбиркорлик фаолияти ва уни иқтисодий муаммолари кўплаб иқтисодчи олимлар илмий тадқиқотининг диққат марказини эгаллаб келган. Бу муаммолар А.Смит, Л.Мизес, Ф.Хайек, И.Кирцнер, Г.Пиншо, Ж.Хикс, Й.Шумпетер, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Л.Абалкин, Л.Григорьев, Г.Найденов, Ю.Плушевский, Р.Энтов, А.Бусигин, К.Татанси, Ж.Сервант-Шрайбер, Р.Хизрич каби олимлар томонидан чуқур тадқиқ этилган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил.

Мамлакатимиз олимларидан хусусий тадбиркорлик фаолияти муаммосининг турли жиҳатлари Ё.Абдуллаев, А.Абдуғаниев, К.Исмоилов, М.Исоқов, Э.Маҳмудов, Қ.Муфтайдинов, Р.Мухитдинов, М.Муҳаммедов, У.Нодирхонов, Ф.Отахонов, Ш.Шодмонов, Э.Хўжаев, Р.Юнусова, У.Ғафуров, С.Ғуломов ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларида ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади миллий иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-назарий асосларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун илмий ишда қуйидаги асосий вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

- тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий мазмуни, илмий назарий асослари, амал қилиш тамойиллари ва омилларини ўрганиш;
- тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашнинг асосий шакл ва дастакларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда тадбиркорликни ташкил этишнинг янги шаклларини ўрганиш ва тадбиқ этиш;
- кичик иқтисодий зоналарларнинг зарурлиги, иқтисодий моҳияти ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини ёритиб бериш;
- оилавий табдиркорлик ва унинг салоҳиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекситонда тадбиркорлик фаолиятини замонавий ҳолати таҳлили ва ривожлантириш имокниятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб миллий иқтисодиёт миқёсида тадбиркорлик фаолияти ва унинг ташкилий-назарий асосларини ўрганиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулк қўмитасининг йиллик ҳисоботлари ва хусусий тадбиркорлик фаолияти масалалари бўйича ватанимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ҳисобланади. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси ва Давлат статистика қўмитасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- тараққиётнинг ҳозирги босқичида хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий шакл ва дастаклари аниқланган;
- кичик иқтисодий зоналар тадбиркорликни ривожлантиришни янги шакли сифатида ёритиб берилган;
- кичик иқтисодий зоналарлар молиявий қўллаб-қувватлаш механизми ишлаб чиқилган;
- тадбиркорликни ташкил этишнинг оилавий шакли атрофлича баён этилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Мазкур БМИнинг амалий аҳамияти унинг асосий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси ва унинг ҳузуридаги бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш илмий тадқиқот институти фаолиятларида фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади. Шунингдек, тадқиқотдаги баъзи бир илмий хулоса ва қоидалардан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кўплаб иқтисодий фанлар, жумладан, «Иқтисодиёт назарияси», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари», каби фанларда бир қатор мавзуларни ўқитиш, амалий машгулотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тузилиши. БМИ кириш, 3 боб, 8 банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

1-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1.2. Тадбиркорлик фаолиятининг илмий-назарий асослари

Тадбиркорлик фаолияти мамлакатимизда янги синфни шакллантиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда. Айнан мазкур секторни ривожлантириш ҳисобидан мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, социал ва иқтисодий барқарорликдан манфаатдор, уни тараққиёт ва демократик туб ўзгаришлар сари фаол ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган ижтимоий қатлам шаклланмоқда.

Тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда ушбу соҳа жадал суръатлар билан ривожланиб, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда етакчи кучга айланди.

Тадбиркорлик ўз ичига ижтимоий муносабатларни қамраб олган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Унда ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, иқтисодий ва тарихий томонлар мавжуд. Тадбиркорлик мазмуни ва моҳияти бўйича унумли фаолиятни англатади.

Олдинги асрларда яшаб ўтган буюк алломаларимиздан Имом Малик бин Анаса, Имом Исмоил ал Бухорий, Имом Муслим бин-Ал Ҳажжож, Имом Абу Давуд-Абу Исо ат Термизийларнинг қолдирган буюк илмий меросларида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш борасида қимматли ғоялар илгари сурилган. Тадбиркорлик юксак даражадаги фаолият бўлиб, унга Амир Темур ҳам жуда катта баҳо бериб, «Тажрибамдан кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши?/Лнг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир »,-деб таъкидлайди.

Иқтисодиёт оламига «тадбиркор» тушунчаси XVIII асрда кириб келган ва дастлаб кўп маънога эга бўлган. А.Смитнинг фикрича, тадбиркорлик бу

қандайдир тижорат ғоясини амалга ошириш ва фойда олиш мақсадида иқтисодий таваккалдир. Унинг ўзи ишлаб чиқаришни режалаштиради, ташкил қилади ва натижаларни тасарруф этади.

Ж.Б.Сэйнинг фикрича, тадбиркор бу бирор мақсадни кўзлаб ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштирадиган иқтисодий агентдир. Австрия мактабининг (И.Шумпетер, Ф.Хайек ва бошқа) қарашларича, тадбиркор бу ўзига хос ижтимоий - руҳий тоифадаги хўжалик юритувчидир. Унинг учун турли-туман бозор имкониятларини таҳлил қилиш ва фойдаланиш, янги ғояларни сафарбар қилиш муҳимдир.

Дастлабки босқичларда тадбиркорликнинг энг муҳим аломати бирон бир шахс фаолиятининг фойдалилигини белгиловчи ноаниқлик омили ҳисобланган. Тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси турли бозорларда талаб билан таклиф ўртасида мувозанат ўрнатишга доир таваккалчилик фаолиятидан иборат, деб тан олинган.

Неоклассик мактаб намоёндалари (Р.Кантильондан кейин) ўз асарларида ўзига хос таваккалчилик асосида рақобатлашиб, савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона эгасини тадбиркор деб ҳисоблай бошладилар. Бундай талқинда тадбиркорларнинг даромадига таваккалчилик учун тўлов деб қаралди, бу даромаднинг бўнак қўйилган сармоядан келадиган даромад ва иш ҳақидаги тафовути ҳам ана шунда деб тушунилади. Олинадиган даромаднинг тарзи хусусий сармоядор ва менежернинг тадбиркорликка доир вазифаларини бир-биридан фарқлаб туради, лекин бу вазифаларни битта жисмоний шахснинг ўзи ҳам бажариши мумкин.

XX аср ўртасига келиб тадбиркорликни инноватор сифатида тушуниш қарор топди. Инновация фаолияти тадбиркорликнинг асосий ва ажралмас белгиси деб эътироф этила бошланди. Бу ҳол иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг янги ривожланиш даврига боғлиқ эди. Бу давр ишлаб чиқаришни ривожлантиришга илмий-техник тараққиётга қўшган ҳиссасининг устунлиги ва ахборотнинг роли ошганлиги билан ифодаланади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлариданоқ АҚШ саноатининг ривожланишига Ж.Рокфеллер (нефть), Ж.Морган (пўлат ва банк иши), Э.Меллон (алюминий), Э.Корнеги (пўлат), Г.Форд (автомобил) сингари бир гуруҳ тадбиркор-инноваторлар томонидан асос солинган эди.

Янги Австрия мактабининг (Й.Шумпетер, Ф.Хайек ва бошқалар) фикрича (1883-1950), тадбиркор-бу ўзига хос ижтимоий-руҳий типдаги хўжалик юритувчи сифатида талқин қилиниб, унинг турли-туман бозор имкониятларини излаб топиш ва тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш, новаторлик ғояларини амалга ошириш асосий ҳисобланади.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик инновация фаолияти тарзига кирса, яъни техника ва технология янгиликларини жорий этиш билан боғлиқ бўлса, иқтисодий ўсиш тезлашади. Инновация туфайли меҳнат унуми ўсади, янги товарлар пайдо бўлади, бозор янада тўйинади. Аммо инновацион тадбиркорлик учун илмий-техникавий ишланмалар, яъни патент, лицензия, ноу-хау бозори эркин ва байналминал миқёсда амал қилиши шарт, токи инновацион компаниялар бозорда керакли янгиликларни топа олсинлар.

Тадбиркорликнинг ривожланиш тарихининг «биринчи инқилобий тўнтариши»да: тадбиркор-бу таваккалга борувчи, иккинчисида эса: тадбиркор-бу инноватор деб қаралган бўлса, «учинчи тўлқинда» тадбиркорларга: изланувчи, юзага келган имкониятларни амалга оширувчи, новаторлик ғояларини ўзлаштира олувчи, сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи, янги технологияларни ихтиро қилувчи, янгиликларни амалга оширувчи ва ривожланишнинг классик омилларини эгаллай олувчи, истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг янги усулларини топувчи, инвестиция қилишга янги соҳаларни изловчи сифатида қаралади.

У тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва уни олиб боришга қобилиятли, ташаббускорликни юзага келтирадиган ва ундан фойдаланадиган, таваккалчиликдан қўрқмайдиган, тўсиқ ва қаршиликларни енга оладиган ва бошқа сифатларда таърифланади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор биринчи навбатда, ижодкор, новатор, ташкилотчи сифатида гавдаланади.

«Тўртинчи тўлқин»да тадбиркорликнинг бошқарувчилик маҳоратига урғу берилади. У ишлаб чиқариш омилларини ва жараёнини, унинг натижаларини оқилона бошқара оладиган, ижтимоий- иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзинининг ва ўз жамиятининг бойлигини оширадиган, кишиларнинг фаровонлигига ҳисса қўша оладиган раҳбар сифатида гавдаланади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг ҳуқуқи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сақлаш, сипоҳийларнинг маоши, мамлакатларни бошқариш тартиби, давлат арбоблари, қўшин бошлиқларининг бурч ҳамда вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқалар хусусида гап боради. Мазкур асар ҳар қандай корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари учун бошқарув илми сирларини пухта ўрганишда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Тадбиркор-бу дадил, муҳим ва мураккаб мақсадларни рўёбга чиқаришга жазм этиб, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб таваккал иш юритувчи шахсдир. У тер тўкиб ишлаб ҳам ўзи фойда олади, А.Смитнинг «кўринмас қўл» қоидасига биноан жамият фаровонлигига ҳисса қўшади.

Ш.Шодмонов, Т.Жўраевларнинг фикрича: «Тадбиркорлик фаолияти- фойда олиш мақсадида таҳлика (таваккалчилик) билан ҳамда мулкий жавобгарлик асосида ва амалдаги қонунлар доирасида ўз ташаббуси билан амалга ошириладиган иқтисодий фаолиятдир.[2]

Тадбиркор - бу бозор иқтисодиётида хўжалик юритишнинг асосий субъекти ҳисобланади. Тадбиркор якка шахс сифатида ҳам, ишлаб чиқариш омилларини бирлаштирувчи кишилар гуруҳи сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинки, бу кишилар ўзлари ихтиёрида бўлган ишлаб чиқариш воситаларини иш кучи билан, бу иш кучини сотиб олиш ва хўжалик фаолиятида ундан фойдаланиш ёрдамида бирлаштирадилар.

---

[2] Ш.Шодмонов., Т.Жўраев Иқтисодиёт назарияси. –Т.: Молия. 2011 йил

<table>
<tr><td rowspan="3">Мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш</td><td rowspan="4">Тадбиркорлик-нинг муҳим белгилари</td><td>Иқтисодий эркинлик</td></tr>
<tr><td>Тижорат сирига эга бўлиш</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Фойда олишга интилиш</td><td rowspan="2">Имиджга эга бўлиш</td></tr>
<tr><td>Рақобат курашида қатнашиш</td></tr>
<tr><td colspan="3">Иқтисодий ҳатти-ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш</td></tr>
</table>

1.1 чизма. Тадбиркорликнинг муҳим белгилари

Тадбиркорлик эса - бу мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлик асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир. Тадбиркорликнинг мазмуни ва табиатига кўра айрим кишилар ёки гуруҳларнинг ўз-ўзини иш билан таъминлаш ҳамда ташаббускорлигига асосланадиган актив меҳнат фаолияти сифатида баҳолаш мумкин.

Тадбиркорлик, умуман, пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти оркали даромад олишни билдиради.Тадбиркорликнинг мустақиллиги ва эркинлиги бозор механизмини таъминлаган ҳолда, аниқ бир қарор қабул қилиш имконини беришни англатади. Тадбиркорликнинг мустақиллиги билан иқтисодий манфаатдорлиги узвий боғланган. Даромадни, фойдани юқори даражага етказиш тадбиркорлик фаолиятининг мезонидир. Шунинг учун стратегия шунга қаратилади.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг ривожланишини биз уч босқичга бўлишимиз мумкин:

1-босқич. 1917 йилга қадар бўлган даврни олишимиз мумкин. Ушбу давр майда ҳунармандчилик ва савдогарлик юқори суръатларда ривожланиши билан хусусиятлидир. Бу давр қўл меҳнатининг юқори бўлиши билан фарқланади ва якка тадбиркорлик алоҳида ўрин тутади.

2-босқич. 1917 йилдан 1990 йилгача бўлган давр. Бу вақтда марказлашган режали бошқариш ҳукм сурган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва

тақсимотда давлат асосий ўринга эга бўлган. Эркин тадбиркорлик фаолияти нисбатан чекланган. Ишлаб чиқариш экстенсив йўл билан ривожлантирилган. Ушбу босқичнинг биринчи ўн йилликларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик роли сезиларли бўлса-да, охирги йилларга келиб, йирик корхоналар ҳукмронликни эгаллаган. Масалан, урушга қадар бўлган даврни олсак, Узбекистон жами ижтимоий маҳсулотининг 70 %га якини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳиссасига тўғри келган эди.

3-босқич. Республикани мустақилликка эришгандан кейинги йилларини олишимиз мумкин. Бу даврни хусусиятли томони иқтисодиётда «Танглик» ҳолати ҳукм суриши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва барқарорлаштириш бош вазифа қилиб белгиланиши, уни амалга оширишнинг давлат томонидан махсус механизми яратилиши шартлиги, унинг муҳим йўлларидан бири сифатида эркин тадбиркорликка кенг йўл очиб берилиши билан тавсифланади.

Ушбу даврни шартли равишда тўрт даврга бўлишимиз мумкин.

1-давр. Қайтадан уйгониш даври. Асосан, 90-йилларнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ҳуқуқий базаси ташкил этилди. Қайта уйғониш даврининг асосчиси Биринчи Президентимиз И.А.Каримовдир.

2-даер. Тикланиш даври, 1999-2000 йилларни қамраб олади. Бу вактда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари шакллантирилди. Уларни муваффақиятли ривожланиши учун шароит яратилди. Давлат томонидан тегишли ёрдамлар (имтиёзли ссудалар берилиши, вақтинча солиқлардан озод этилиши, сармояларни шакллантиришнинг жаҳон тажрибаларини қўллашга берилишини олишимиз мумкин) кўрсатилди.

Бу давр мобайнида тадбиркорликни ривожлантириш эвазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 25%ни ташкил этди.

3-давр. Барқарорлаштириш. 2001-2006 йиллар. Бу давр 2-даврнинг мазмунан давоми бўлиб, бунда хусусий тадбиркорлик фаолиятининг моддий-техника базаси кучайтирилди, қулай бизнес муҳити яратилди, давлат томонидан хусусий тадбиркорлик фаолиятини рагбатлантириш янада кучайтирилди.

4-давр. Юксалтириш. Бу келгуси даврга тўғри келади. Бунда И.А.Каримов томонидан олға сурилган барча ташкилий, иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий асосларга таяниб тадбиркорлик фаолиятини барқарорлаштириш барқарорлаштириш ва уни келгусида юқори суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган.

4-давр.Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуслари билан тадбиркорлик фаолиятини янада такомиллаштириш ва давлат аралашувини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш борасида қулай шароитлар мавжуд. Уларга:

- Янги тадбиркорлик фаолиятини жорий этишга мойилликнинг юқорилиги;
- Тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши республика таълим тизимига мос келиши;
- Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан мустаҳкам алоқасининг мавжудлиги;
- Меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳоли сотиб олиш қобилиятининг нисбатан пастлиги;
- Қулай сиёсий шароитнинг мавжудлиги.

Шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг даромадлари ўсишига имкон яратиш муҳим масалалардан биридир. Жумладан, Ш. Мирзиёев ўзининг 2017 йилда мамлакатни Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2018 йилда иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузасида бу ҳақда

кимматли фикрлар билдирди: «Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлар ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий қисмини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.» 2

1.2. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойиллари, шароитлари ва омиллари

Тадбиркорлик - янги имкониятларни доимо қидириб топишга ва инновацияга йўналтирилган ҳамда турли манба ресурсларини жалб этиш ва фойдаланиш махоратига асосланган, хўжалик юритишнинг шакли ҳисобланади. тадбиркорлик кишиларнинг шахсий ташаббусларига, имкониятларига ва моддий пул маблағларига асосланади.

Тадбиркорлик бозор иқтисодиёти устувор барча мамлакатларда ривожланган. Тадбиркорлик турли давлатларда шакли ва мазмуни жихатидан бир хил кўринса-да, моҳиятдан бир-биридан оз бўлса-да, фарқ қилади. Масалан, АҚШда тадбиркорликнинг классик модели Фарангистонда давлат томонидан тартибланувчи,

Ўзбекистонда тадбиркорлик мустахкам ҳуқуқий асосга эга. Тадбиркорлик тўғрисида қонун ва уни қўллаб-қувватлаш борасида норматив хужжатлар кабул қилинди ва улар амалда самарали ишламоқда. Мазкур хужжатларда тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга ёллаш, чекланмаган даромад олиш имкони кафолатланиши таъкидланади. Бундай қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистан Республикасида тадбиркорликнинг бир маромда ривожланишига сабаб бўлди.

Тадбиркор аниқ бир ишлаб чикариш фаолиятини танлаб олиб, ўз корхонасини юргизиб юборгандан сўнг, унинг асосий вазифаси ишлаб чиқариш жараёнини тадбиркорликнинг қуйидаги асосий тамойилларига таяниб, узлуксиз бошқаришдан иборат бўлади:

- Мулк соҳиби бўлиш: тадбиркорлик ресурслар ёки маҳсулотларнинг эгаси бўлиши керак. Агар бундай ҳуқуққа эга бўлмаса, у ҳолда уларга мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак.
- Фойда олишга интилиш: тадбиркорлик билан шуғулланишдан асосий мақсад фойда олишдир. Шу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз қўл остидаги ишлаб чиқариш воситаларидан, ёлланма ишчи кучидан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб, зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга, сотишга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.
- Иқтисодий эркинлик: тадбиркор бозорга қараб нимани, қанча, қандай технологияда ишлаб чиқаришни, яратилган товарни кимга, қачон ва неча пулга сотишни, қайси банк билан алоқа қилишни, ўзига шерик топишни, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ҳеч бир тазйиқсиз, ўз билганича амалга оширади.
- Иқтисодий масъулият: иш натижасига жавоб бериш, таваккал қилиб иш юрита олиш, иқтисодий хатарли ишга қўл уриш, кўрган фойда зарарига ўзи жавоб бериш кабиларни тадбиркор ўз зиммасига олади.
- Иқтисодий таваккалчилик: Тадбиркор таваккал қилиб иш тутади, иқтисодий хавф-хатарни зиммасига олиб, чув тушиб қолишдан қўрқмайди.
- Қонун-қоидаларга риоя қилиш: Тадбиркор саъй-ҳаракатининг ўз коидалари бор. Тадбиркор ҳукумат томонидан чиқарилган қонун ва тадбирларга қатъий бўйсуниши, ўзининг кундалик фаолиятида уларга риоя қилишнинг юқори намунасини кўрсатиши керак.
- Рақобат курашида қатнашиш: Тадбиркор бозорда амал килувчи қоидаларга риоя этган ҳолда ҳалол рақобатда қатнашиб, унинг ғирром, ноқонуний усулларидан воз кечиши керак.
- Тадбиркорлик сири: Бизнес ишида технология, янги товар яратиш, бозор топиш, нарх белгилаш, контракт тузиш ва бошқалар сир сақланади.

- Ҳалолик билан иш юритиш: Тадбиркорлик ҳалол йўл билан пул топишга асосланиши зарур, қаллоблик ва алдамчилик унинг табиатига зид.
- Имижга эга бўлиш: Тадбиркор ўз шаънини авайлаши, фирма номини эъзозлаб, унга доғ туширмаслиги, яхши ном чиқариши шарт.
- Ўз-ўзини бошқариш: Тадбиркорликда ўз-ўзини бошқариш тартиби бор. Давлат фирма ишига аралашмайди, балки иқтисодий сиёсати билан тадбиркорларга кўмаклашади, қонунлар орқали тадбиркорлик учун шароит яратади.

Тадбиркорликнинг маданийлашган тарзда шаклланиши ва шу асосда тараққий этиши учун қуйидаги шарт-шароитлар талаб этилади (2-чизма).



1.2 чизма. Тадбиркорлик шароитлари

Тадбиркор фақат бозор учун ишлаб, талаб ва таклиф, эркин баҳо таъсирида бўлиши лозим. Бозор иқтисодиёти, энг аввало, эркин иқтисодиётдир. Маъмурий иқтисодиётга қарама-қарши ўлароқ, эркин иқтисодиётнинг мустаҳкам ишлаб чиқариш соҳасида рўй берадиган барча жараёнлар, яъни: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол либераллаштирилади.

Иқтисодиётнинг эркин тараққиёти, энг аввало, кўп шаклли мулкчилик ва рақобат шароитларининг яратилишида ифодаланади.

Хусусий тадбиркорлик биринчи навбатда оз ҳажмли капитал талаб этадиган, тез фойда келтирадиган тармоқларда ривожланади. Бу эса майда корхоналарнинг авж олиши, бандлик ва халқ истеъмоли муаммоларини ҳал қилишда жуда қўл келади.

Мулкни хусусийлаштириш айни пайтда тадбиркорлик учун зарур бўлган рақобат шароитларини яратиб беради.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро эркин рақобат тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида майдонга чиқади. Рақобат шундай омилки, у ишлаб чиқарувчиларни новацияга, янги техника ва технологияни жорий қилишга ундайди, иш билан банд бўлган ҳар бир фуқаронинг масъулиятини, уларнинг меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширади, қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатади, арзонлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Хуллас, рақобат ҳар кандай иқтисодиётни тангликдан олиб чиқишга кодир локомотив, маҳсулот сифатига кафолат берувчи, тадбиркорликни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи воситадир.

Тадбиркор бўлиш учун ҳуқуқий муҳит ўта зарур. Тадбиркор учун тадбиркорлик кафолати керак. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш қанчалик ҳуқуқий муҳитга жавобгар бўлса, тадбиркор ҳам шунча ҳуқуқий ва қонуний ҳимояга муҳтож. «Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни ва тадбиркорликка оид бошқа қонунлар бу борада ўта аҳамиятли бўлиб, улар тадбиркорлик фаолияти учун йўл очадиган ҳуқуқий мажмуадир.

Тадбиркорлик учун ягона ҳаракат майдонининг мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Бу бир давлат ҳудуди билан чегараланмайди. Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни, божхона, валюта, солиқ, виза.

Тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистонда қуйидагилар тадбиркорлик субъектлари бўла олади:

- Ақли-ҳуши расо бўлиб, ўз иши юзасидан қонун олдида жавоб бера оладиган ҳар бир фуқаро;
- Фуқаро (шерик)лар гуруҳи, жумладан, давлатга, кооперативга қарашли ва бошқа турдаги корхона-жамоа тадбиркорлиги;
- Чет эл фуқароси ёки юридик шахси, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши маън этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари турлича бўлиши мумкин. Унда, аввало, кўпчиликни ташкил этувчи хусусий шахслар ёки якка шахслар бўлиб, улар кичик корхона ва микрофирмалар очиб фаолият кўрсатадилар.

Тадбиркорлик объекти, энг аввало, қуйидаги фаолиятлар кўринишида намоён бўлади:

- Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятидаги тадбиркорлик;
- Воситачилик соҳасидаги тадбиркорлик;
- Молиявий соҳадаги тадбиркорлик;

Тадбиркор учун муҳим омил капиталдир, яъни у сармоядор бўлмаса, ўзи мустақил ўз фаолиятини ташкил эта олмайди.

Тадбиркорлик капитали ўз манбаи билан уч хил бўлиши мумкин:

1.3 - чизма. Тадбиркорлик капитали манбалари.

Тадбиркорликнинг хусусий капитали у оладиган фойда, амалга ошираётган амортизация ажратмалари эвазига шаклланади. Тадбиркорликнинг қарз-кредит капитали банк, бюджет, бошқа корхоналардан олинадиган кредитлар, чиқариладиган облигациялар эвазига шаклланади. Қўшма капитал четдан жалб қилинган ресурслар бўлиб, у асосан акцияларни сотиш, пай ва кириш бадалларини тўплаш, корхоналарни бирлаштириш натижасида активларнинг кўпайиши эвазига шаклланади. Бу асосан кооператив корхоналар, яъни ширкат, кооператив ҳамда ҳиссадорлик корхоналарига тааллуқлидир.

Тадбиркорлик омиллари орасида корхонанинг асосий активлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар инсон билан меҳнат предметлари ўртасида туради.

Тадбиркорлик фаолиятида қуйидаги янги турдаги номоддий активлар ҳисобга олина бошланди:

- Кашфиётчилик патентлари;
- Патентдан фойдаланишга устувор ҳуқуқ берувчи лицензиялар;
- Савдо маркаси;
- Ноу-хау, кашфиёт сифатида патентлаштирилмаган, самара келтириши кафолатланган, тадбиркор томонидан ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича ўйлаб топилган ҳамда жамоатчиликдан сир сақланаётган янгилик;
- Фаолиятга хос турли ҳуқуқлар: ижара ҳуқуқи, солиқ имтиёзлари ҳуқуқи, табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Шахсий инсоний омил тадбиркорлик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бозор ва рақобат шароитида тадбиркорлар ишчи кучидан шундай микдорда фойдаланадиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсули реал иш ҳақи билан тенг бўлиши ёки иш ҳажмининг пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсули қийматига тенг бўлиши керак.

Агар реал иш ҳақи ҳажми ортса, тадбиркор ишчи кучига бўлган талабни қискартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса ишчи кучига бўлган

талаб ортади. Бу ерда тадбиркор шу йўл билан даромаднинг камайишини мувозанатлаштиради.

Янгиликнинг даражалари сифатида, улар қуйидаги уч кўринишда бўлади: 1. Оддий янгилик. 2. Технологик янгилик. 3. Инқилобий кашфиёт.

Тадбиркорлик фаолиятига эътиборини қаратган иқтисодчи олим И.Шумпетер тадбиркорликнинг беш муҳим томонини, яъни:

- Истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши;
- Янги ишлаб чиқаришни қўллаш ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаши;
- Янги товарларни ўзлаштириши;
- Янги хом ашёларни ишлатиши;
- Тармоқни такомиллаштиришини кўрсатиб берди.

Барча қайд қилинган тамойиллар технологияга бориб тақалади. Янги техника ва технологияни қўллаш, унумдорликда туб бурилиш ясайди.

Бошқа ҳар қандай ишда бўлганидек, тадбиркорликда ҳам асосий ғоя бўлмаса, у худди пуч ёнғоқдек бўлиб қолади.

Тадбиркорлик ғояси-бу ўзида инновацион жиҳатларни ифода этувчи ғоядир. Тадбиркорлик ғоядан бошланади. Бу - ҳамма аввал нима қилиш кераклиги, қандай бизнес билан шуғулланиш зарурлиги тўғрисида ўйлаб олиши, яъни тадбиркорлик ғоясини ишлаб чиқиши лозим, дегани.

Ғоя доимо шаклланиб бориши учун тадбиркорда:

- Тадбиркорлик қобилияти;
- У ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш еки хизмат кўрсатиш ҳақида зарурий билим;
- Савдо ва молия муҳитида воситачилик;
- Инновацион фаолият ҳақида тушунчалар бўлиши керак. Буларсиз у тадбиркор бўла олмайди. Тадбиркорнинг бутун фикри-зикри, гояси истеъмолчиларнинг эҳтиёжини билиш ва уни қондириш пайида бўлмоғи лозим.

Морган, Форд, Рокфеллер каби АҚШнинг машҳур кишилари ўзларининг сармояси, укуви бўлгани, омади юриб қолгани учунгина эмас, балки доимо янгидан-янги тадбиркорлик ғоялари билан бандлиги, фан-техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиб боргани туфайли ҳам шу даражага етишган. Агар тадбиркорлик ғоясини обдон ўйлаб, пухта режа тузиб олинмаган бўлса, бизнес касодга учрайди, қилинган ҳаракатлар зарарга айланади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик ғояси тадбиркорнинг қай даражада қобилиятга эга эканлигидан далолат беради. Тадбиркорлик қобилияти оддий ишчи кучидан фарқ қилиб, ишлаб чиқаришда бошқаришдан иборат бўлган алоҳида вазифани бажаради. У табиатан ишбилармонлик бўлиб, алоҳида бир истеъдод, юксак билим, махсус тайёргарлик ва масъулият мужассами демакдир.

1.3. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий шакллари ва дастаклари

Жаҳон тажрибаси хусусий тадбиркорликни доимий равишда қўллаб-кувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Иқтисодиётга давлатнинг аралашувини қисқартириш, энг аввало, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини

рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришни тақозо этади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожи йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилни амалга ошириш борасидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.[3]

Давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви кескин чекланди, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёни сезиларли даражада соддалаштирилди ва уларнинг ошкоралиги таъминланди, солиқ ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш тизими такомиллаштирилди, биржа савдоларини ривожлантириш орқали тадбиркорларнинг моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиши билан боғлиқ кўп масалалар ҳал қилинди, микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан тадбиркорларга кредит беришнинг янги шакллари жорий этилди»

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш солиш ва қўллаб-қавватлаш зарурияти давлатнинг олдига бир қатор вазифаларни қўяди:

- Ҳуқуқий кафолатлар бериш, ҳимоялаш ва тартибга солиш вазифаси-тадбиркорларнинг барқарор ривожланишини ҳамда уларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашда имкон берувчи қонуний-меъёрий ҳужжатарни қабул қилиш ҳамда уларга риоя этилиши устидан назорат юритиши.
- Рағбатлантириш вазифаси-хусусий тадбиркорлик ташаббуси, адолатли рақобат ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини турли

[3] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стартегияси. Илмий-услубий рисола.-Т.: Маънавият 2017.

иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш ва қуллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

- Тақсимлаш вазифаси-ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек, тадбиркорларнинг моддий-техникавий ресурслардан имтиёзли асосларда фойдаланишга шароит яратиш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш.

- Ахборот-маслаҳат таъминоти вазифаси-тадбиркорларнинг ахборот таъминоти тизимидан тенг шароитларда, тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини яратиш, улар учун иқтисоий муаммоларнинг самарали ечимини топиш, хом-ашё ресурслари таъминоти, илғор техника ва технологияларни куллаш юзасидан маслаҳатлар бериш.

-Ижтимоий кафолатлаш вазифаси-ижтимоий таъминот ва ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек, тадбиркорларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

-Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси-халқаро бозорларда тадбиркорликнинг манфаатларини ҳимоялаш, имтиёзли божхона тарифлари ва солиқлар орқали экспорт учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирлари.

Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятини республикада амалда бўлган қонунчилик доирасида тартибга солиб туради. Бу, биринчи навбатда, уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши бўйича қоидаларни белгилаш, ердан фойдаланиш, меҳнат, мол-мулк муносабатларини тартибга солиш ҳамда бухгалтерия, солиқ ҳамда статистика ҳисоботларини юритиш тартибларини жорий этиш ва бошқаларни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-кувватлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- Хусусий бизнес корхоналари яратилиши ва фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;

- Хусусий тадбиркорлик корхоналарининг кредит манбалари ва сармоялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- Тадбиркорлик хатарларидан барқарор ҳимояланишни таъминлаш учун суғурта тизимининг аҳамиятини ошириш;
- Тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни, замонавий технология ва ускуналарни жалб этиш;
- Хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини кенгайтириш ва ривожлантириш;
- Хусусий тадбиркорлик корхоналарини хом-ашё, ахборотлар ва технологиялардан эркин ва тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш;

Давлатнинг тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир шакллар ҳамда усуллар асосида олиб борилади. Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятига маъмурий, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида бевосита ёки билвосита таъсир ўтказади (1.4 - чизма).

Давлат тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий усуллар ёрдамида тартибга солса, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида уларни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга оширади.

Маъмурий усуллар ёрдамида хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлиги дахлсизлигини ҳимоялаш ва кафолатлар бериш, монополияни чеклаш ва ҳалол рақобатни муҳофаза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлат томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий тартибларга риоя этилишини назорат этиш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш таъминланади.



1.4 чизма. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими

Шакл ва усуллари (Давоми)

Бевосита

Маъмурий

- Ҳуқуқий – меъёрий асосларни яратиш;
- Давлат стандартлари, маҳсулотни сертификациялаш, бухгалтери ҳисоби ва ҳисоботи, статистика, солиқ бўйича ҳисобот ва меъёрий ҳужжатларни жорий этиш;
- Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибларини белгилаш ва бунда уларга енгилликлар бериш;
- қонун устуворлигини таъ – минлаш ва унинг монито – рингги;
- Мулк дахлсизлиги ва тадбиркорлик эркинлигини ҳимоялаш ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатларини белгилаш;
- Лицензия ва квоталар бериш;
- Санкциялар, жарималар ва чеклашларни жорий этиш;
- Меҳнат муносабатлари ва меҳнат хавфсизлигини тартибга солиш;
- Ташқи иқтисодий фаолият ва божхона тартиб – қоидаларини белгилаш;
- Монопол ҳукмронлик ва носоғлом рақобатни таъқиқлаш;
- Экологик вазиятни сақлаш.

Билвосита

Институционал

- Тадбиркорлик муаммолари билан шуғулланувчи давлат ҳокимияти органларини тузиш;
- Тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя этувчи ва давлат олдида ифодаловчи ассоциациялар, бирлашмалар, жамғармалар вужудга келтириш ва қўл – лаб – қувватлаш;
- Тадбиркорларга ахборот – маслаҳат хизматлари кўрсатувчи тузилмаларни яратиш;
- Улар учун кадрлар тайёрлаш ва малака оши – риш масканларини барпо этиш;
- Турли форумлар, семинарлар уюштириш;
- Илмий тадқиқотлар, изланишлар олиб борувчи институтлар, марказлар фаолиятини кучайтириш;
- Моддий – техника таъминотини амалга оширувчи, маҳсулотларни сотишга кўмаклашувчи ҳамда турли хизматлар кўрсатувчи бозор инфратузилмаларини шакллантиришга кўмаклашиш;
- Ижтимоий инфратузилмаларни шакллантиришга кўмаклашиш.

1.5- чизма. Иқтисодий усуллар таъсири

Иқтисодий усуллар ёрдамида давлат бозор жараёнларининг

ривожланишини давлатнинг иқтисодии сиёсатига мос иўналишга солиш учун таъсир этиш чораларини қўллайди. Иқтисодий усуллар ёрдамида тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш молия, пул-кредит, солиқ, божхона, баҳо, суғурта ва бошқа дастаклар орқали таъминланади.

Институционал усуллар тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватловчи давлат бошкаруви органлари ва турли институционал тузилмаларни (ассосиациялар, палаталар, жамғармалар, савдо уйлари, илмий-тадқиқот марказлари ва бошқалар) шакллантириш ва ривожлантиришни кўзда тутади.

Иқтисодий ва институционал усуллар орқали тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш кўпроқ аҳамият касб этаверади. Чунки, улар тадбиркорлик ва танлов эркинлиги, шахсий манфаатдорлик ва соғлом рақобат муҳитида тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини юксалтиришда давлатнинг рағбатлантирувчилик ролини юзага чиқаради.

Давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсири даражасига кўра, тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари мавжуд.

Бевосита қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларига йўналтирилган бўлади ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда иқтисодий самадорлигини оширишга хизмат килади. Бундай чора-тадбирлар сирасига солиқлар тўлашда енгилликлар жорий этиш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-импорт операцияларида қулай таърифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Узбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб кувватлаш шаклларини 1.6 - чизмада яққол кўриш мумкин.

1.6. - чизма. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш шакллари.

Баъзан давлат тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар I яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида билвосита қўллаб-I қувватлаш чораларини ишга солади. Билвосита қўллаб-қувватлашда давлат маълум бир соҳаларда тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратмасдан, балки уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналарига имтиёзлар яратади. Бундан асосий мақсад ушбу корхоналарнинг тадбиркорларга етказиб бераётган товар моддий кийматликлари ҳамда хизматларининг нархини сезиларли даражада пасайтириш ва пировард натижада тадбиркорлик субъектларига қулай иқтисодий шароитлар яратиб беришдир.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

2.1. Кичик иқтисодий зоналар тадбиркорликни ривожлантиришни шакли сифатида

Сўнгги йилларда республикада эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини вужудга келтириш, жумладан уларнинг фаолиятини тартибга солувчи мустаҳкам норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналарини ривожлантиришга хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш имконини берадиган солиқ, божхона имтиёзлари ва енгилликларининг кенг тизимини яратиш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори қўшилган қийматли рақобатдош, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган минерал-хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологияли замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш учун ғоят қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, шунингдек, республика минтақаларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, бунинг асосида янги иш жойларини ташкиллаштириш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

КСЗ -бу маълум ер участкасини, алоҳида ҳолларда эса муҳандислик-техника коммуникациялари билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонларини ўз ичига олган ҳудуддир. КСЗ аниқ белгиланган чегараларга эга. КСЗ махсус ажратилган ҳудудда ташкил этилади. Кичик саноат зонасида иштирокчи хўжалик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик суъекти ҳисобланади. Ишлаб чиқариш майдони ижара шартномаси асосида кичик саноат зонасида узоқ муддат фойдаланиш мақсадида иштирокчига

бериладиган ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва иншоотларидан иборатдир.

КСЗ фойдаланилмаган ҳудудда ташкил этилади. КСЗ давлат мулкига асосланган объектлар борасида ташкил этилади. КСЗ вилоят ҳокимининг қарори асосида ташкил этилади. КСЗ иштирокчиси бўлиш учун танловда иштирок этиш лозим. Бир-биридан 500 метргача олисликда бўлган объектларни битта КСЗга бирлаштиришга рухсат этилади. КСЗга иштирокчиларни жойлаштириш вилоят ҳокимининг қарори асосида тегишли давлат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича дирекция ва ягона дирекциялар (кейинги ўринларда – дирекциялар) давлат унитар корхонаси шаклида унга тезкор бошқарувга берилган давлат мулки негизида ташкил этилади.

Дирекция қонунчиликка мувофиқ унга бириктирилган мол-мулкга нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

• Дирекция фаолиятини молиялашитириш манбалари 3 йил давомида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасина мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети маблағлари;

2. Кичик саноат зонаси қатнашчиларига кўрсатган хизматлардан, жумладан, ҳудудни кўриқлаш ва сақлашдан тушган даромадлар;

3. Бошқа манбалар

Ҳар бир Дирекция ҳодимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Дирекциянинг асосий вазифалари:

Маъмурий кенгашнинг қарорларига мувофиқ:

- кичик саноат зона қатнашчилари билан лойиҳани амалга ошириш бўйича келишув; ишлаб чиқариш майдонларини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида шартнома; кичик саноат зонаси ҳудудида хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузиш.
- Кичик саноат зонаси қатнашчилари томонидан лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувдаги ва узоқ муддатли ижара шартномасидаги ўз мажбуриятлари бажарилиши юзасидан мониторинг қилиш;

Кичик саноат зона қатнашчиларига ишлаб чиқариш, молиявий, маркетинг, ҳуқуқий, ташқи садво ва бошқа масалаларда кўмак бериш ва бошқалар.

2.1 – чизма. Кичик саност зоналарининг жойлашуви схемаси

Кичик саноат зоналари ва уларда ташкил этилган юридик шахсларга солиқ имтиёзларини қўллашни тартибга солувчи асосий меърий ҳуқуқий ҳужжатларига қуйидагилар киради.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини

ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 378-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сонли қарори.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2973-сонли қарори

4. Адлия вазирлигида 2017 йил 30 августда 2924-сон билан рўйхатга “Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”

КСЗ иштирокчилари ягона солиқ тўловини энг кам миқдордан - эгаллаб турган ер майдонидан келиб чиқиб ҳисобланадиган ер солиғининг уч бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлаш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган талаб КСЗ дирекциясига татбиқ этилмаслиги.

Кичик саноат зоналарининг ер участкалари учун - қўшимча коэффициентларни қўлламасдан, Тошкент шаҳридаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун юридик шахсларга солинадиган ер солиғининг энг кам ставкаси миқдорида солиқ ҳисобланмаслиги.

Ташкил этилаётган КСЗда иштирок этувчи ташкилотларни хўжалик юритувчи субъектни КСЗ ҳудудида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан, икки йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мулк солиғи ва фойда солиғи, шунингдек ягона солиқ тўловидан (солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар учун) озод қилиниши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар доирасида республика худудларида, хусусан Фарғона водийси вилоятларидаги туманларда ҳамда Тошкент шаҳрида Юнусобод, Сергели ва Яккасарой туманларидаги

фойдаланилмаётган корхоналар негизида кичик саноат зоналари барпо этилгани ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳудудида тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат, электротехника маҳсулотлари, мебель, замонавий қурилиш материаллари ҳамда ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги ПҚ-2796-сонли қарорига асосан Инвестициялар, инновация, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича қуйидаги асосий вазифлар белгиланган:

• тегишли ҳудудда қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини аниқлаш, ўтказилган хатлов якунлари бўйича уларнинг рўйхатини шакллантириш;

• қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари билан биргаликда ишлаб чиқаришни ёки хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини ташкил этиш, шунингдек, янги иш жойлари яратиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

• инвестиция лойиҳасининг мақоми ҳақида, лойиҳани амалга ошириш ёки амалга оширмаслик тўғрисида хулосалар бериш;

• инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун тадбиркорлар томонидан рухсатнома ҳужжатларини ва тижорат банкларининг кредитларини олишда уларга ёрдам бериш.

• фойдаланилмаётган ҳамда мақсадга номувофиқ фойдаланилаётган ер участкалари олиб қўйилишини, бўшаётган ер участкалари захира ерлари тоифасига ўтказиш бўйича таклиф бериш.

2.2. Кичик иқтисодий зоналарлар молиявий қўллаб-қувватлаш механизми

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли қарорга асосан ЭИЗ ва КСЗдаги тадбиркорлик субъектларига яратилган банкнинг куйидаги имтиёзларига батафсил маълумотлар келтирилди:

- гаров таъминоти суғурталанишини расмийлаштиришда 0,5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда суғурта мукофоти ундирилиши амалиёти жорий қилинди.

- кредитни қайтариш муддатини кейинга кўчириш ёки муддатини узайтириш йўли билан асосий қарз юзасидан тўловлар миқдорини камайтириш бўйича кредит шартномаларига тегишли ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

- кредит буюртманомасини кўриб чиқишда воситачилик ва абонент ҳақи тўлаш озод қилиш тартиби жорий этилган.

- инвестиция лойиҳаси ишга туширилгунга қадар, аммо норматив муддатдан кўп бўлмаган даврда берилган кредитлар юзасидан қўшиб ҳисобланган фоизларни капиталлаштириш белгиланган.

Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилган

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- кичик бизнес субъектларининг кредит аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди;

- банк хисобварақларини очишда имзо наъмуналарини нотариал тасдиқлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари бўлган микрофирмаларнинг имзо наъмуналари карточкасида иккинчи имзо (ҳисобчи) бўлиши талаби бекор қилинди;

- кичик тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақларидан давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда банк хизмати учун тўлов ундириш бекор қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августда “Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3225-сонли қарорига асосан жамғарма маблағлари йўналтирилиши белгиланган соҳалар қуйидагилардан иборат.

- Қишлоқ хўжалигида, иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик,

балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни, шу жумладан, интенсив боғларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар;

- мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича инфратузилма ва логистика марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар;
- кўп квартирали уйларда умумий фойдаланиладиган жойларни хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш лойиҳалари;
- тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа йўналишларидаги лойиҳалар.
- кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур қарорда қайд этилган мақсадларга кредит ажратиш учун тижорат банкларига, жумладан, хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобидан ресурслар ажратиш;
- кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, аммо 2 млрд. сўмдан кўп бўлмаган ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;
- тижорат банкларининг қиймати 4 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

- миллий валютада - қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорида;
- хорижий валютада - тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 2018 йил ЭИЗ ҳамда КСЗларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун 500 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилган.

ПҚ-3462-сонли қарорга асосан Тошкент вилоятида КСЗлари ҳудуддида лойиҳаларни молиялаштириш учун. **Кредит муддати**10 йилгача; шундан, 3 йил имтиёзли. **Фоиз ставкаси** 6 ойлик Либор + 2 фоиз + 0,5 банк маржаси.



2.1. диаграмма. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, Қарорларида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Кичик саноат зоналар учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар

(млн. АҚШ долларда)



2.2- диаграмма. Тошкент вилояти, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасига ажратилган кредитлар

2017 йил давомида Эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналаридаги 40 дан ортиқ лойиҳаларга 126 млн АҚШ доллари эквивалентдаги кредитлар ажратилди.



2.3 – диаграмма. ЭИЗларга кредитларни ажратилиши кўзда тутилган маблағлар *(млн. АҚШ долларда)*

2.1 – жадвал. Тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш борасида халқаро молия кредит институтлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик тўғрисида маълумот.

(*млн АҚШ долларда*)

Т/р	**Банк ва халқаро молия институтининг номи**	**жалб этилган хорижий кредит линиянинг умумий суммаси**	**01.03.2018 й. холатига қолган сумма**	**2018 йил учун ўзлаштириш режаси**
1	Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) Жахон банки	49,71	17,37	2,73
2	Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)	115,0	99,2	89,17
3	Осиё тараққиёт банки (ОТБ)	215,5	10,6	45,7
4	Халқаро тараққиёт уюшмаси (МАР) Жахон банки	86	69,83	16,28
5	Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Халқаро жамғармаси (ҚХРХЖ) БМТ	22,71	19,2	18,8
6	Хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорацияси (Саудия Арабистони)	72	44,27	39,21
7	Хитой давлат тараққиёт банки	260	85,8	85,8
8	Хитой Экспорт-Импорт Банки	18	18,00	18,00
9	Туркия Экспорт-Импорт Банки	44	44,0	20
10	"T.C. Ziraat Bankasi A.S.", Туркия	85	22,55	20
11	Коммерцбанк (Германия)	659	556,55	15
12	Корея экспорт- импорт банки	255,0	220,6	100,4
13	Бошқа кредит линиялари ҳисобидан	692,5	561,1	0,0
	Республика бўйича жами	**2 574,4**	**1 869,1**	**471,1**

2.2 –жадвал. Тижорат банклари томонидан хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва ўзлаштириш борасида халқаро молия кредит институтлари билан амалга оширилаётган ҳамкорлик тўғрисида маълумот.

(млн. АҚШ доллари)

Т/р	Тижорат банклари номи	жалб этилган хорижий кредит линиянинг умумий суммаси	01.03.2018 й. холатига қолган сумма	2018 йил учун ўзлаштириш режаси
1	Миллий банк	1114,6	889,6	112,76
2	Ўзсаноатқурилишбанк	264,0	169,3	38,1
3	Асака банк	261,2	241,2	123,0
4	Ипотека банк	311,0	215,6	68,0
5	Халк банк	22,3	16,1	16,1
6	Микрокредитбанк	15,3	12,9	12,9
7	Ипак йули банки	75,2	57,6	21,8
8	Агробанк	85,0	22,55	20
9	Туронбанк	17,0	1,94	1,94
10	Қишлоқ қурилиш банк	35,8	21,97	11,97
11	Хамкорбанк	328,8	190,9	22,4
	Бошқа тижорат банклари	44,2	29,4	22,2
Республика бўйича жами		**2 574,4**	**1 869,1**	**471,1**

Кичик саноат зоналари фаолиятидаги камчиликлар ҳам мавжуд.

- КСЗлари ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас.
- КСЗ иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган

маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддати асоссиз чўзилмоқда;

- КСЗларидаги инвестиция лойиҳаларига мувофиқ етарлари даражада зарур электр энергияси, ичимлик суви, газ ҳамда бошқа ижтимоий инфратузилма воситалари билан таъминланган;
- Лойиҳа ташаббаускорларига ўрнатилган тартибда КСЗлари аъзолигини тасдиқловчи гувоҳномалар берилишда сансоларлик ҳолатлари юзага келмоқда;

Юқоридаги келтирилган шу ва бошқа качиликдар КСЗларидаги инвестиция лойиҳаларини тижорат банклари томонидан молиялаштириш ҳамда банк имтиёзларини қўллашда салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

2.3. Ўзбекистонда тадбиркорликни ташкил этишнинг оилавий шакли

Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунида қайд этилишича, оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти оилавий тадбиркорлик саналади. У оила аъзоларининг щз ихтиёри билан юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир. Демак, миллий қонунчиликга мувофиқ, оилавий тадбиркорликнинг хўжалик фаолияти уч хил шаклда юритилади. Ўз навбатида, оилавий тадбиркорлик фаолияти ҳам бошқа иқтисодий субъектлари каби бозор шароитида муайян хавф-хатарларга боғлиқ.

Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик, шунингдек, ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳисобланади. Қонунда эътироф этилганидек, оилавий корхона унинг иштирокчилари шахсий меҳнатига асосланиб, товарлар ишлаб

чиқариш ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрийлик асосида, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкига бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларининг ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Шу жиҳатдан қаралганда оилавий тадбиркорлик бизнес фаолияти аниқ бир мақсадга йўналтирилган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Бу оила тасарруфидаги зарур меҳнат ва молиявий ресурслар ҳажми ва улардан самарали фойдаланишни билиш орқали эришилиши лозим бўлган стратегик ва жорий мақсадлар тизимида ўз ифодасини топиши лозим. Оила ўз тадбиркорлик фаолиятининг муайян мақсад ва вазифаларини илгари сурган ҳолда, ички ва ташқи муҳитнинг мавжуд ёки прогноз қилинаётган ҳолатида уларга эришиш имкониятини таҳлил қилиб, ушбу мақсад ва вазифалар қанчалик аниқ эканлигини олдиндан баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Оиланинг ўз ихтиёридаги ёки у томонидан келгусида оилавий тадбиркорликка жалб этилиши мумкин бўлган молиявий ва ишлаб чиқариш ресурслари чекланган шароитда улардан оқилона фойдланиш муаммоси юзага келади. Бунинг учун оилавий тадбиркорлик фаолиятининг бирор йўналишида қабул қилинган бизнес-режада акс эттирилиши лозим бўлган тпшириқлар уларни амалга ошириш борасида мавжуд имкониятларга мувофиқлаштирилиши лозим. Замонавий иқтисодиёт фанида бундай мувофиқлаштириш муаммосининг ҳал этилиши оилавий тадбикорлик салоҳияти тушунчасини киритишга, шунингдек, уни баҳолаш ва бошқариш усулларини яратиш ва амалга оширишга асосланади.

Бозор рақобати шароитида хўжалик фаолияти юритувчи субъектлар салоҳияти улар фаолиятининг оптимал параметрларини белгилаш ва уларга эришиш механизмларини мураккаблигини акс эттирувчи кўп қиррали тушунча ҳисобланади. Бу уни талқин этишга нисбатан турли ёндаўувларни қўллаш мумкинлигини белгилаб беради.

Ушбу назарий жиҳатларни ҳисобга олганда, иқтисодиётда фаолият юритувчи субъект сифатида оилавий тадбиркорлик салоҳияти тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўғри англаш ҳамда унинг таркибини асослаш муҳим вазифалар сирасига киради.

Илмий манбаларда “салоҳият”, “ ишлаб чиқариш салоҳияти” каби тушунчалар ва таърифлар берилган. Масалан, минтақа ёки аниқ бир ҳудуднинг иқтисодиёти, тармоғи ёки корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти турлича тавсифларга эга. Шуларни ҳисобга олганда, оилавий тадбиркорлик салоҳиятини унинг белгилари орқали ўрганиш ҳозирги бозор рақобати шароитида оилавий тадбиркорликни янала ривожлантириш ва унинг барқарор иқтисодий ўсишга қўшаётган ҳиссасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Чет эллик олимларнинг оилавий тадбиркорлик салоҳияти тушунчасини турлича талқин этишади. Р.Дякива таҳрири остида чоп этилган илмий ишда салоҳият қандайдир натижага эришиш, ниманидир амалга ошириш учун фойдланиш мумкин бўлган имкониятлар, ресурслар, захиралар ва воситаларга тенглаштирилган. Бу тушунчани талқин этишда асосий эътибор муайян мақсадларга эришиш учун мавжуд имкониятлар ва ресурсларга қаратилган.

Н.С. Краснокутская ўз ишида корхонада нафақат у ёки бу ресрурсларнинг зарур ҳажми, балки тегишли билимлар, яъни ўша ресурсларни бошқариш бўйича муайян ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида уларни сафарбар этиш қобилияти мавжудлиги муҳимлигини таъкидлайди. Шунга кўра корхона салоҳиятининг унинг ресурслари ва билимлар тизимининг тадбиркорлик жараёнларини амалга оширишнинг манфаатдор шахслар учун аниқ натижага эришиш имконияти сифатида талқин этишни таклиф қилади. Бундай ёндашувни қўллашда, ресрулар ва уларни бошқариш қобилияти унинг асосий тавсифлари ҳисобланишини уқтиради. Лекин корхонанинг ўзи нуқтаи назаридан муайян мақсадларга эришиши маълум даражада муаллиф эътиборидан четда қолган.

Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти тушунчасининг энг лўнда талқини И.С. Должанский ва бошқаларнинг илмий ишида келтирилган. Унда аниқ мақсадга йўналтирилган ишни бажариш борасидаги реал ёки эҳтимолий қобилиятни тушуниш тавсия қилинади. Бироқ, мазкур таъриф қобилият ва аниқ мақсадга йўналтирилганлик каби тавсифларни эътиборга олган ҳолда уларнинг ресурс таъминотини кўриб чиқмайди. Бу эса таъриф мукаммал эмаслигини англатади.

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган тадқиқоиларга қуйидаги тавсифларни бериш мумкин:

- корхона ресурсларининг ҳажми;
- ресурсларни самарали бошқариш имконияти;
- корхоналарнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эршиш қобилияти.
- Бироқ тадқиқотларда бу тавсифларнинг учаласи ҳам бирваракайига эмас, балки биттаси ёки иккитаси назарда тутилган.

Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини қуйидагича таърифлаш мумкин. Оилавий тадбиркорлик салоҳияти – оила аъзолари якка ёки бирлашган ўолда даромад олишда фойдаланадиган мулкий ҳуқуқлар орқали тегишли бўлган ресурслар ҳамда номулкий ҳуқуқлар йиғиндисидир.

Ушбу таърифга кўра,оилавий тадбиркорлик негизини оила аъзолари ташкил этади, бу эса оиланинг демографик таркиби ва оила аъзоларининг ёши бўйича сонини, оилавий тадбиркорик шакли ҳамда кўламини белгилаб беради.

Оила инсон капиталини асраш ва ривожлантириш каби масъулиятли функцияларини бажариб, бутун жамият ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаради.

Оилавий тадбиркорлик, юқорида айтилганидек, уч хил шаклда йўлга қўйилади ва оила аъзолари меҳнатига асосланади. Хусусан, якка тадбиркорлик оиланинг бир аъзоси томонидан олиб борилади. Унда оиланинг бошқа аъзолари ёрдамчи сифатида иштирок этишлари мумкин. Оилавий тадбиркорликка хос касаначилик оила аъзоларининг якка тартибда

ёки бир гурухга бирлашиб амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрстаиш шакли ҳисобланади. Оилавий корхона эса оилавий тадбиркорлик иштирокчилари томонидан юритилади ва уларнинг меҳнатига асосланади.

Оилавий тадбиркорликни юритиш учун оила маълум бир меҳнат ресурсларига, яъни меҳнат салоҳиятига эга бўлиши керак. Бу салоҳиятни икки сифат кўрсаткичи билан тавсифлаш ўринлидир. Биринчиси - оилада тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар бозор рақобати шароитида бизнесни ташкил этиш ва уни бошқариш бўйича мукаммал билимга эга бўлишлари шарт. Иккинчиси – улар тайёр маҳсулотни сотиш хом-ашё харид қилиш юзасидан ички ҳамда ташқи бозорларнинг жорий ҳолати ва уларнинг фаолиятига тааллуқли маълумотларни пухта билишлари зарур.

Хусусий тадбиркорликни инқирозга учраши кўпинча тадбиркорларнинг бизнесни бошқариш борасидаги билими ҳамда тажрибалари етишмаслиги туфайли рўй беради. Негаки, оилавий тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклини амалга ошириш нафақат оила аъзолари хоҳиши ёки молиявий захира мавжудлигини, балки бизнесни ташкил этиш ҳамда бошқариш бўйича чуқур билим ва салоҳиятга эга бўлишни тақазо этади. Бу ушбу соҳанинг муҳим шартларидан биридир.

Шундай қилиб, оилавий тадбиркорлик оила мол-мулки негизида ташкил этилади. Уни юритиш учун зарур ер, ҳовли-жой, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар, бошқа зарурий жиҳозлар ҳам мулк сифатида эгалик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи билан оилага тегишли бўлиши керак. Уларни келишуви асосида турли муддатларга ижарага олиб фойдаланиш ҳам мумкин. Чунки оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун оила ишлаб чиқариш воситалари ва молияивй манбаларга, ресурс салоҳиятига эга бўлиши лозим. Бунга унинг жорий даврда мавжуд бўлган ҳамда келгусида жалб этиладиган ресурслар йиғиндиси киради.

Оилавий тадбиркорликнинг ишлаб чиқариш имкониятларини белгилаб берувчи олиланинг демографик ҳолати ва ресурс омиллари ҳамда

тадбиркорнинг бошқарув соҳасидаги билим даражасига ички салоҳиятлар йиғиндиси сифатида қараш мумкин. Шунингдек, унга оилавий тадбиркорлик самарадорлигини ошишига ва истиқболда турли янги шакллари ривожланишига кенг имкониятлар яратувчи ташқи даражадаги салоҳиятни ҳам киритиш фойдадан холи бўлмайди. Бу салоҳиятнинг таркибий қисмларини эса институционал-ҳуқуқий, инвестициявий ва инновацион салоҳиятлар гурухларига ажратиш мумкин.

Оилавий тадбиркорлик салоҳияти қуйидагилардан ташкил топади:

- оиланинг демографик ҳолати;
- оиланинг меҳнат ресурслари;
- оилавий тадбиркорлик иштирокчиларининг билим даражаси;
- оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қонунан белгилаб қўйилган институционал нормалари ва шартлари.

Республикада тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш борасида кўрилган амалий-чора тадбирлар натижасида 2018 йилда оилавий корхоналар сони 8689 тага етди. Уларнинг 2326 таси 2017 йилда давлат рўйхатига олинди.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 367,2 млрд. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 33,1 фоиз кўп кредитлар ажратилди. Оилавий корхоналарнинг энг кўпи Фарғона (1,6 мингта) ва Тошкент вилоятида (1,1 мингта) эканлиги аниқланди.

Статистик маълумотларга кўра 2016 йили оилавий корхоналар маҳсулотларини сотишдан соф тушум 679,3 млрд. сўмни ташкил этган. Битта оилавий корхонанинг маҳсулот сотишдан олган ўртача соф фойдаси 2012 йили 5,1 мартага ошган. Бу борадаги энг юқори ўртача кўрсаткич Тошкент шахрида (323 млн. сўм), энг паст кўрсаткич эса (39,7 млн. сўм) Сирдарё вилоятида кузатилган.

Оилавий корхоналарда маҳсулот сотишдан энг катта тушум саноатдан (40,8 фоиз), савдодан (33,1 фоиз), яшаш ва овқатланиш хизматидан (11,1

фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларидан (3,3 фоиз), қурилишдан (3,0 фоиз), ташиш ва сақлашдан (0,8 фоиз) ҳамда бошқа иқтисодий фаолиятдан (7,9 фоиз) олинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда тадбиркорлиққа алоқадор оилавий корхоналар сони ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари ҳажми нисбатан паст бўлсада, уларнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Бу республикада оилавий тадбирокрлик салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлиги ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш имокниятлари кенг эканлигини кўрсатади.

Ш. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожланганлик ҳолати таҳлили

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беште устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес-ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашга оид кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда қабул қилинган кўплаб қонун ҳужжатлари бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократик жараёнларни кескин қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва кафолатлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини изчил мустаҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш имконини бермоқда.

Барча жабҳаларда бўлгани каби, банк тизимида ҳам тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ҳудудларда янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари ташаббусларини молиявий қўллаб – қувватлаш борасида изчил чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг босқичма-босқич ижроси амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлик фаолиятини қуллаб – қувватлашнинг янги воситаларини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг банк кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, ҳудудларда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш

тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришни қўллаб – қувватдаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш борассда амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2017 йилга нисбатан 1,6 баробарга ошди.

Жумладан, 2018 йилда тижорат банклари томонидан 321 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 30,6 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилган. Шундан ажратилган микрокредитлар 6,2 трлн. сўмни ташкил этади. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилмоқда:

- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтиришга молиявий кўмак бериш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни рағбатлантириш;
- ҳудудларнинг ихтисослашувини, жумладан, ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини етиштириш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш, инобатга олган ҳолда тадбиркорлик билан шуғалланиш истагида бўлган аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш;
- оилавий тадбиркорлик кичик ҳажмда ишлаб чиқарувчи субъектларни (микрофирмаларни) ташкил этиш учун микромолиявий хизматларни кенгайтириш орқали аҳолига қўшимча даромад манбаини яратиш.

Хусусан, тижорат банклари томонидан “Ижтиомий ҳимоя” дастурлари доирасида аҳолининг бандлигини таъминлаш учун муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган 62 389 киши, шу жумладан, кам таъминланган оилаларга 645, 3 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “““Ҳар бир оила тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июнь ПҚ-3777-сон

қарори доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 2018 йил давомида 1,2 трлн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган.

Мазкур кредитлар тижорат банклари томонидан:

1. энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача миқдорда – оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудларни ижтиомий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари;

2. энг кам иш ҳақининг минг бараваригача миқдорда – белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олиниётган мол-мулклар гарови, Жамғарманинг кафиллиги ва қонун ҳужжатлари доирасидаги бошқа таъминот турлари;

3. энг кам иш ҳақининг минг бараваридан ортиқ миқдорда – тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

Кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида йилик 7 фоиз ставкасида, микрокредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга, кредит ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳанинг бизнес режасига мувофиқ ўзини ўзи қоплаш жиҳатларидан келиб чиқиб 2 йилгача имтиёзли давр билан 5 йил мудддатгача ҳамда айланма маблағларни тўлдиришга 18 ой муддатгача revольвер кредитлар кўринишида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3680-сонли қарорига мувофиқ тижорат банклари томонидан қарийб 7 минг фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 2018 йилда 112,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси

маблағлари ҳисобидан “Томорқа хизмати” МЧЖ, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, тайёрлаш, таъминлаш, савдо ташкилотлари ҳамда лизинг компнаияларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва транспортини сотиб олиш фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг иссиқхоналарини қуриш учун материал ва бутловчи қисмлар харид қилишга йиллик 7 фоиз ставкада Микрокредитбанк, Агробанк ҳамда Халқ банки томонидан 1 йил имтиёзли давр билан 3 йил муддатга ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли “Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қуллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ҳунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш учун жами 222,5 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилган.

Имтиёзли микрокредитлар 6 ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 2 йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдорида, ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси даражасида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон ““Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ёшларнинг бизнес-ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун Миллий банк, Ипак йўли банки, Халқ банки ва Ҳамкорбанк орқали имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш амалиёти жорий қилинган.

Мазкур Фармонга мувофиқ тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшлар тадбиркорлигини ривожлантирига қаратилган 3 161 та лойиҳага жами 408,8

млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Мазкур кредитлар 5 йил муддатга 12 ойгача имтиёзли давр билан берилади.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари ва кафолатларини янада мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини яратиш,тадбиркорлик субъектларини кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ташкил этилган.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига жамғарма томонидан:

- кичик тадбикорлик субъектларига банк кредитлари бўйича 1,8 трлн. сўм кредитга қарийб 600 млрд. сўм кафиллик;
- тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун 1,4 млрд. сўмлик компенсация берилган.

2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да ҳам тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг бизнес лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтириладиган кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида банк кредитлари бўйича мақсадли жамғармаларнинг кафиллик ҳамда кредит бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш амалиётларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган дастурларга мувофиқ, тадбиркорлик ва даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш ва тегишли фаолият турини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудларга масъул этиб бириктирилган банк филиаллари раҳбарлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралр билан ҳамкорликда тадбиркорлик соҳасида яратилаг имтиёлар, банк хизматлари турлари ва шартларини тушунтириш юзасидан доимий равишда амалий семинар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тижорат банклари молиявий хизматларнинг ҳажмини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қуватлаш, Давлат дастурларига мувофиқ аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали ҳудудларда оилаларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижроси, аҳоли бандлигини таъминлаш янги иш ўринларини ташкил ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

3.2. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

Якка тартибдаги тадбиркорларга оид солиқ маъмуриятчилиги бўйича киритилган ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат.

ЯТТ лар 2019 йил 1 январдан бошлаб бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми миқдорига қараб, жумладан:

100 млн сўмгача, қатъий белгаланган солиқни;

100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача ташкил этганда, 4 фоизлик ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Шунингдек, ЯТТ лар фаолиятини амалга ошириш доирасида қуйидаги солиқ ва тўловларни ҳам тўлайдилар:

1) божхона тўловлари;

2) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

3) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда;

4) акциз солиғи – акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда;

5) ягона ижтимоий тўлов

6) давлат божи

7) автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик оли кирганлик учун йиғим.

Қатъий белгиланган солиқ – амалга оширилаётган фаолият тури ва

ҳудудига қараб, белгиланган қатъий солиқ суммаси миқдорида фаолият юритаётган ойнинг 10-санасига қадар маҳаллий бюджетга тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар (сумма) бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Бир календарь йил давомида товарлар (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми белгиланган миқдордан ошган ЯТТ лар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдор ошган ойнинг кейинги ойидан бошлаб ягона солиқ тўлашга ўтади.

Ягона солиқ тўловининг базаси ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушумдан белгиланган (4 фоиз) солиқ ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар тўловни амалга оширади.

ЯТТ амалдаги қонунчиликка асосан чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги жами 84 та фаолият билан шуғулланишлари ҳамда: чакана савдо фаолиятида бир нафаргача, маиший хизмат кўрсатиш фаолиятларида уч нафаргача , фаолиятнинг бошқа турларида икки нафаргача ходимни ёллаб ишлатиш ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги 850-сон қарорига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори билан тасдиқланган “Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати” да кўрсатилган 14 та фаолият турига ўзгартиришлар киритилди ва битта фаолият тури чиқариб ташланди. Хусусан: қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини сотиш , алюминий (пластик) профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар тайёрлаш, ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хомашёни қадоқлаш ва улгуржи сотиш, транспорт воситаларини ювиш, салонни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчилар, четдан тижорат мақсадида бир

ойда 5000 АҚШ долларидан кўп товар олиб келувчилар (импортёрлар) 2019 йилнинг 1 январидан юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтишлари талаб этилади.

3.1 – жадвал. ЯТТ ларни солиқ маъмуриятчилиги бўйича киритилган ўзгартиришлар тўғрисида

Солиққа тортиш режими	Солиқ ставкаси	Ҳисобот тақдим этиш муддати	Солиқ тўлаш муддати
2019 йил 1 январга қадар			
Қатъий белгиланган солиқ	Фаолияти учун қатъий белгиланган солиқ	Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар	Фаолият ойининг 10 санасига қадар
2019 йил 1 январдан бошлаб			
Бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми миқдорига қараб, жумладан: - 100 млн сўмгача, қатъий белгиланган солиқ - 100 млн сўмдан 1 млрд сўмгача ташкил этганда, ягона солиқ тўлови	ЯТТ мақомини сақлаб қолган ҳолда: - фаолият тури ва ҳудуди бўйича қатъий белгиланган солиқ суммаси - ялпи тушумдан 4 фоиз	Ишлаб чиқиладиган тартибга мувофиқ белгиланган муддатларда Ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 25 санасига қадар Солиқ кодексида белгиланган муддатларда	Ишлаб чиқиладиган тартибга мувофиқ белгиланган муддатларда Ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 25 санасига Солиқ кодексида белгиланган муддатларда

Изоҳ: фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар (сумма) бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

ЯТТ амалдаги тадбиркор амалдаги қонунчиликка асосан 84 та фаолият билан шуғулланишлари ҳамда бир нафардан уч нафаргача ходимни ёллаб ишлатишга ҳақли. Жумладан: чакана савдо фаолиятида бир нафаргача , маиший хизмат кўрсатиш фаолиятларида уч нафаргача, фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланганда икки нафаргача ходимни ёллаб ишлатишига рухсат этилган.

2019 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилган, унга мувофиқ календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган ЯТТ лар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилади.

Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган ЯТТ лар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолинади.

Календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган ЯТТ лар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлайди.

2019 йилда ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб берилди.

1. Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини фаол жалб қилиш зарур. Бунинг учун ҳар йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кўпроқ жалб қилиш орқали уларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни харид қилиш имкониятларини ошириш туман ва шаҳар ҳокимликлари, тегишли вилоят ташкилотлари рахбарларининг биринчи галдаги вазифалари ҳисобланади.

2. Ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, импорт товарлардан сифати юқори, нархи эса арзон маҳсулотлар билан тўлдириш, юртдошларимизнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш. Бунинг учун мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва қайта жихозлаш, минитехнологиялар келтириш ҳисобига маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик саноат корхоналарни кўпайтириш, 2018 йилда қабул қилинган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этишни

изчиллик билан амалга оширишимиз зарур. 2017 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши еса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

4. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 74,2 фоиздан 2018 йилда 78,5 фоизга етказиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида:

- бозор институтлари ва инфратузилмасини яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш;
- фуқароларимиз онгида тадбиркорлик ва касб кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида мавжуд бизнес мактаблари ва ўқув марказлари фаолиятини янада ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредит ва қарз маблағлари ажратилишини йўлга қўйиш;
- кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш ва улар фаолиятига бошқарув органларининг асоссиз тарзда аралашувини чеклаш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашё асосида ишловчи кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш;
- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг меъёрда бўлишини таъминлаш мақсадида маслаҳат ва ахборот марказлари фаолиятини янада ривожлантириш, маркетинг ва реклама хизматларини жонлантириш;
-тадбиркорларнинг дастлабки сармояни топишдаги муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида мақсадли ва аниқ йўналтирилган микрокредитлар ажратилишини таъминлаш, кредит уюшмалари фаолиятини рағбатлантириш;
-тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни минимумга келтириш;

-тадбиркорлик субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ривожлантириш;

-аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш, пудрат шартномаси асосида уй меҳнатини ривожлантириш.

Ҳозирги кунда “Ягона дарча” тадбиркорларга қурилиш учун тартиботлардан ўтишни енгиллаштирди.

Янги объектларни қуриш, бино ва иншоатларнинг ташқи кўринишини (фасадини) ўзгартириш ёки турар-жой объектларини нотурар-жой тоифасига ўтказиш, мавжуд объектларни қайта реконструкция қилиш билан боғлиқдир. Миллий қонунчилигимизга мувофиқ Ўзбекистонда ушбу ишларни амалга ошириш учун, тадбиркорлар ўрнатилган тартибда рухсатномалар олишлари зарур.

2015 йилга қадар, тадбиркор томонидан ер участкасини ва қурилишга рухсатнома олиши 176 кун ва 23 босқични ўтишини талаб этар эди. Бутун республика миқёсида “ягона дарча” марказлари хизмат тизимининг жорий этилиши ва бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, мамлакатимиз тадбиркорлари учун қурилишнинг барча босқичларида рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олиш тартиботларини сезиларли даражада енгиллаштирди. Ҳозирда тадбиркорлик фаолияти учун объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган тартиботлар ўзгарди. Улар қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

Тадбиркор томонидан ер участкасини олиш тартиби.

Вазирлар Маҳкамасининг, 2015 йил 7 октябрида қабул қилинган 285-сонли қарорига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларидаги 1,0 гектаргача бўлган ер участкалари танлов асосида доимий фойдаланишга тақдим этилади. Ушбу танловнинг моҳияти шундан иборатки, тадбиркор

танлов ғолиби деб аниқланганда, ер участкасини доимий фойдаланишга ва қурилишга рухсатномаларни олиши учун бор йўғи етти босқичдан иборат тартиботларни ўтиши зарур бўлади. Бироқ, бугунги кунда қонунчиликка мувофиқ бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолатларнинг сабаби, мазкур янги тартиботлар жорий этилганлигидир, ва айни пайтда уларни амалга ошириш механизмлари синовдан ўтказилиб, такомиллаштирилмоқда.

“Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖнинг ҳудудий филиаллари мунтазам равишда йилига икки марта оммавий ахборот воситаларида ва “Кўчмас мулк савдо хизмати” МЧЖ (www.1кмс.уз), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (www.даварх.уз), Савдо-саноат палатаси (www.чамбер.уз), Қорақолпокстон Республикасининг вазирлар кенгаши (www.совминрк.гов.уз), вилоят ва Тошкент шаҳар хокимиятлари (www.ташкент.уз) расмий веб-сайтлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (www.мй.гов.уз) танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни нашр қилади.

Талабгор танловда иштирок этишга икки нусхадаги аризани танлов таклифи, лойиҳа эскизи (объектнинг фасади ва бош режасини), ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган маҳсулотлар ёки кўрсатиладиган хизматлар турларининг таклиф этилаётган ассортиментини, объект қурилишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни илова қилган ҳолда танлов ташкилотчисига топширади. Танлов ташкилотчилари томонидан сўровнома рўйхатдан ўтказилган куни аризачи танлов ҳужжатларини олади.

Эълонда кўрсатилган муддатларда, танлов комиссияси танлов таклифлари солинган конвертларни очади ва баҳолаш меъзонлари асосида шу куннинг ўзида танлов ғолибини аниқлайди, ҳамда уч календар куни мобайнида тегишли баённома расмийлаштирилади. Энг яхши танлов таклифини топширган талабгор танлов ғолиби деб тан олинади.

Танлов таклифини баҳолаш қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширилади: ташкил этиладиган иш ўринлари сони (25 балл), таклиф этилаётган инвестиция миқдори (25 балл), лойиҳани молияштиришда ўз маблағлари ва кредит ресурслари мавжудлиги (25 балл), танлов ҳужжатларининг техник қисми (10 балл), ишлаб чиқариши кўзда тутилаётган маҳсулотлари тури, ҳажми ва ассортименти ёки кўрсатиладиган хизматлар тури (10 балл), танлов предмети учун таклиф этилаётган тўлов миқдори (5 балл), лойиҳани амалга ошириш мақсадида бизнес лойиҳа мавжудлиги (2 балл), аудитор ташкилотининг охирги йили учун хулосаси мавжудлиги (1 балл), охирги 2 йиллик бухгалтерия балансини ҳисоботи мавжудлиги (1 балл).

Кейинчалик, танлов баённомаси олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида тегишли туман (шаҳар) хокимлиги ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади ва танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузади.

Туман (шаҳар) ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, хоким ҳарори қабул қилинган кундан бошлаб икки кунлик муддатда, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бепул тақдим этади.

Янги Низомда тадбиркор учун тартиботлар муддатлари ва сонини сезиларли даражада қисқартириш назарда тутилган. Илгари барча тартиботлар учун 55 кун талаб этилган бўлса, бугунги кунда ғолибни аниқлашдан бошлаб участкасига бўлган ҳуқуни давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат 10 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Қурилишга рухсат бериш тартиби.

Қурилишга рухсатнома олиш тартиботи ҳам соддалаштирилган ҳолда қуйидаги босқичларни ўз ичига олади.

Тадбиркор лойиҳалаштириш ташкилотига лойиҳалаш топшириғини беради ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун шартнома тузади. Лойиҳалаштириш ташкилоти қурилиш лойиҳасини ишлаб чиқади ва уни

мустақил равишда архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ва давлат экспертизаси органи билан келишади.

Тадбиркор лойиҳа-смета ҳужжатларини олганидан кейин республикада фаолият юритаётган исталган “ягона дарча” марказларидан бирига қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатномани олиш учун ариза топширади.

• “Ягона дарча” маркази бир иш куни мобайнида зарур бўлган хужжатларни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекцияларига (кейинги ўринларда инспекция деб юритилади) юборади.

• Ижобий қарор қабул қилинганда инспекция “ягона дарча” марказига қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатномани ва инспекция томонидан расмийлаштирилган (имзоланган) назорат функцияларини амалга ошириш шартномасининг бир нусхасини тақдим этади; қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси расмий веб-сайтининг махсус бўлимида эълон қилади.

Тадбиркор “ягона дарча” марказида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатномани ва инспекция томонидан назорат функцияларини амалга ошириш шартномасини олади.

Объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби

Қурилиш пудрат ташкилоти (ёки тадбиркор ўз кучи билан) қурилишни амалга оширади, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК лойиҳалаштириш-тадқиқот ташкилоти томонидан бинолар ва иншоотлар, ер ости мухандислик коммуникацияларининг рақамли ижро тасвири амалга оширилишини таъминлайди. Қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиш учун туман (шаҳар) хокими номига ариза топширади. Фойдаланишга қабул қилиш комиссияси аъзолари томонидан фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома

имзоланганидан кейин туман (шаҳар) хокими далолатномани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Охирги қадамда эса, тадбиркор қурилган объектга бўлган ҳуқуқни кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказади.

Шу тариқа, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бугунги кунда тадбиркор томонидан ер участкасини ва қурилишга рухсатнома олиши учун, жами 12 босқични босиб ўтади ва бу жараён тахминан 54 кун вақтни талаб этади. Жаҳон банкининг “Доинг Бусинесс” рейтингига мувофиқ ушбу жараён 2015 йилда 176 кун ва 23 босқични ўз ичига олган эди. 189 мамлакат нисбий кўрсаткичлари бўйича қурилишга доир рухсатнома ҳужжатларини олишнинг соддалиги бўйича Ўзбекистон ушбу рейтингда 151 ўринни эгаллаган. Янги қонун ҳужжатининг қабул қилиниши ва унинг нормаларига амалиётда қатъий риоя қилиниши ушбу тартиботларни соддалаштириш, Ўзбекистон рейтингини ошириш ва тадбиркорларнинг қурилиш соҳасидаги фаолиятини фаоллаштириш имконини беради.

Шундай қилиб, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг истиқболли ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусуий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши кўзда тутилган.

- хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, барча турдаги тўсқинликлар ва чекланишларни бартараф этиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш йўлида тўлиқ эркинлик бериш, амалиётда “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган принципни амалги ошириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувини қатъий олдини олиш;

- давлат мулкини хусусийлаштириш тартиб-таомилларни янада кенгайтириш ва соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулкининг хусусийлаштирилган объектларнинг базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;
- корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш, корхонларни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш;
- тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик тармоқларига уланиш тартиб-таомиллар механизмаларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;
- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини децентрализация қилиш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мақсадимиз замонавий цивилизацияли бозор иқтисодиётини ташкил этиш, самарали бозор муносабатлари механизмларини уюштириш экан, тадбиркорлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мақсадга мувофиқ тадбиркорлар синфини яратиш ва тарбиялашга эътибор бериш, шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд ва маъқул жаҳон тажрибаларини қўллаш талаб қилинади.

2. Тадбиркорлик ривожланган иқтисодиётнинг таркибини ташкил этувчи муҳим тармоқ ҳисобланади. Унинг фаолияти нафақат бизнеснинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланишига бевосита таъсир қилади. Бунда ташқари ички бозорнинг истеъмол товарлари билан тўлдирилиши ва аҳолига турли хизматлар кўрсатилиши, экспорт салоҳиятининг ўсиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам ана шу тармоқнинг – тадбиркорлик фаолиятининг нечоғли барқарор ривожланишига боғлиқ.

3. Тадбиркорлик фаолияти тушунчасининг мазмуни ва хусусиятининг илмий асосларини таснифлаш ва мазмунини таърифлаш унинг аниқ вазифаларини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Аксарият ҳолларда тадбиркорлик ва унинг фаолияти тушунчаси бўйича турли хил ёндашувлар мавжудлиги унинг инсоният ҳаётидаги ва жамиятда тутган ўрнини турлича баҳолашга асос бўлмоқда. Буларни бир тизимга келтириб хулоса қилинса, уларнинг аксарияти шаклан бир - биридан жиддий фарқлансада, мазмунан ишлаб чиқариш ҳажми ўзининг катта ва кичиклигидан қатъий назар соҳа фаолиятини ташкил этиш, бошқариш, ўз сармоя ҳисобига эркин ташабускорлик ва манфаатдорлик шахсий масъулият асосида юқори даромадга эришиш тарадудига бориб тақалади.

4. Тадбиркорлик фаолияти юксалишига қатор омиллар ижобий таъсир этиши, хусусан, бу соҳа маҳсулотларига талаб ва таклиф мувозанати

устуворлиги ва товар импорти ўрнини қоплаш каби қулай имкониятлари уларни истифодага киритиш зарурлигини эътироф этади.

Айниқса, моддий-ашёвий ва шахсий инсоний омилларнинг қулайлиги соҳа салоҳияти самарадорлигини оширишга асос бўлмоқда. Мазкур тармоқда жами иқтисодиётда бандлар сонининг қарийб 70 фоизи ва янги яратилган иш ўринларининг 85 фоизи мужассамланганлиги унинг салоҳиятини нақадар муҳимлигини билдиради ва соҳада яратилган иш ўринларининг арзонлиги билан фарқланади. Юқори технологияга асосланган корхоналарда бир иш ўрни учун сарфланган сармоя 120 - 140 минг доллар доирасида баҳоланса, эркин тадбиркорлик субъектларида у 1000 доллардан ошмаслиги соҳага инвестициялар етказишнинг долзарблиги ва самарадорлигини кўрсатади.

5. Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизми – молия-кредит тизимидаги ижобий силжишлар, айниқса соддалаштирилган солиқ солиш ва унинг юкини пасайтириш амалиёти, имтиёзли кредитлар бериш, микромолия тизимини жорий этиш, ташқи фаолият юритувчи субъектлар учун божхона тўловларни тўлашнинг ягона тартибини белгилашини, уларни қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлишини таъминланишидир.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги чора тадбирларни (таклифлар) амалга ошириш зарур деб ҳисоблайман:

1. Кичик саноат зоналарда коммуникация тармоқларини улаш бўйича Республика бюджети ва тегишли вазирликлар манбаалари ҳисобидан ўз вақтида ва етарли даражада молиялаштирилишини назорат қилиш.

2. Кичик саноат зоналар иштирокчиларини танлаб олишда ва уларни рўйхатдан ўтказиш ишлари “Ягона давлат хизматлари” портали орқали амалга оширилишини йўлга қўйиш, кўриб чиқиш муддати бузилган лойиҳаларни аниқлаб, қонун бузилишига йўл қўйган масъулларга нисбатан таъсирчан чоралар қўллаш.

3. Кичик саноат зоналаридаги ҳар бир лойиҳани “Йўл харитаси”да белгиланган муддатларда амалга оширилишини мониторинг қилувчи, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъул вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борувчи, тегишли маълумотларни вазирликлардан олиш ваколатига эга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ягона тузилма ва унинг қуйи бўғинларини ташкил этиб, барча ЭИС ва КСЗни ушбу тузилма таркибига киритиш.

4. Маъмурий кенгашнинг йиғилиш баёни билан тасдиқланган ҳар бир лойиҳанинг мониторингини юритиш бўйича онлайн базани шакллантириш ва маълумотларни доимий янгиланиб туришини таъминлаш.

5. Кичик саноат зоналарга бириктирилган тижорат банкларини инвестиция лойиҳалари билан ишлашда масъулиятини ошириш.

6. Кичик саноат зоналарда тақдим этилаётган бўш ер майдонлари ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, хорижий нашрларда, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини, тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилишини таъминлаш.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Фармонлари ва Қарорлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т ; Ўзбекистон, 2008 й

3. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрида»ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.

5. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 9 апрел.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 378-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2973-сонли қарори.

8. Адлия вазирлигида 2017 йил 30 августда 2924-сон билан рўйхатга “Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сонли қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

10. Каримов И.А. «Мулкдорлар синфини шакллантириш – ислоҳотларнинг бош мезони» «Халқ сўзи», 1997 йил 8 февраль.

11. Мирзиёев Ш.М. ва бошқ. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. Т.: Университет. 1994.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил.

13. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стартегияси. Илмий-услубий рисола.-Т.: Маънавият 2017.

III. Китоб ва монографиялар:

14. Абалкин Л.И. Заметки о российском предпринимательстве. М.: Прогресс-Академия. 2014.

15. Амбарцумян А.А. Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рынку. Тошкент: 1996.

16. Абдуллаев Ё. Тадбиркорлик фаолияти ва унинг моҳияти. – Тошкент: 1999.

17. Вернер Б. и др. Руководство по оценке эффективности инвестиций. Перевод с анг. АОЗТ. М.: Интер-эксперт. 1999.

18. Вахобов А.А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Тошкент: Шарқ 2015.

19. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларида кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т., «Молия», 2014.

20. Даниэл Д., Радеба ли Х. Международный бизнес: Внешняя среда и деловые операции. Пер.с.анг.: - М.: Дело ЛТД. 1994.

21. Каримов Р.К., Каримова Т.А. Миллий модел муаммолари. Т., «Ўзбекистон», 2016.

22. Каримова Г. Политико экономические реформқ в Узбекистане: реалии и перспективь1. Т., «Ўзбекистон»,2015. 44 с.

23. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принцигш, проблемш и поли-тика. В 2-т. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. М., «Республика», 1992. 399 с.

24. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 2016.

25. Ғуломов С.С., Ахмедов Д.К. Боев Х.И. Кичик ва хусусий тадбиркорлик асослари. Т.: ТДИУ 1996.

26. Ғуломов С, Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Т., «Меҳнат», 2001. 246 бет.

27. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: Меҳнат, 1995.

28. Чжен В.А. Развитие малого и частного бизнеса в Узбекистане. Т.: 1995.

29. Шодмонов Ш., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: 2015.

30. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Молия», 2002. 415 бет.

IV. Журналлардаги мақолалар:

31. Шоназаров М. Тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида амалга оширилаётган ишлар. Журнал. Бозор, пул ва кредит. 1 сон 2019 йил (260).

32. Беркинов Б. Ўрмонов Н. Оилавий табдиркорлик салоҳияти ва уни юксалтириш омиллари. Журнал. Бозор, пул ва кредит. 1 сон 2019 йил (260).

V. Интернетдан олинган адабиётлар:

33. www. Tu.t.uz

34. www. Istedod. uz.

35. www. Pravo uz.

36. www. aci.uz.

37. www. usembassy.uz.

38 www. uzbekavaca tes.uzsa.

39. www. librari tust .uz.

40. www. davihcom. uz.

41. www.minsust. uz.

42. www.refakat. uz.